

Фуқаҳоларнинг ихтилофи



12:17 / 27.01.2025 1536

Саҳобалар ўртасидаги ушбу масала хусусида бўлиб ўтган турли қарашдан фуқаҳолар ўртасида ҳам турли фикр келиб чиққан. Уларнинг мероси тўғрисида иккита мазҳаб юзага келган.

Биринчи мазҳаб: Абу Бакр, Алий, Ибн Аббос ва бошқа саҳоба розияллоҳу анҳумларнинг мазҳаби бўлиб, улар қонидани умумлаштириб туғишганларни меросдан соқит қилишни қўллашган. Худди ушбу фикрни ҳанафий ва ҳанбалий мазҳаби ҳам олға сурган.

Иккинчи мазҳаб: Зайд ибн Собит, Усмон ва Ибн Масъуд розияллоҳу анҳумлар мазҳаби бўлиб, улар туғишган ака-укалар она бир ака-укалар билан бирга мерос олишларини айтишган. Моликий ва шофеъий уламолар ушбу фикрни қўллашган.

Ушбу иккинчи мазҳабга суяниб, Умар розияллоҳу анҳу иккинчи мартасида ҳукм чиқарган. Бу фикр мўътамад фикр бўлиб, шаръий маҳкамалар ҳам ушбу фикр асосида ҳукм чиқаришади.

Бу масалада ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ҳукм чиқарганлари учун «Умария масаласи» ҳам деб номланади. Яна бу масаланинг «ҳимория», «ҳажария», «яммия» каби номлари ҳам бор. Бундай номланиб қолишига қуйидаги ривоят асос бўлган:

هُنَّ أَبَى لَوْلَا لِرَمْلٍ فِي ضَقْفِ لَسْمَلٍ وَدَمِ لَيْلٍ تَعْفُورُهُ لَلِضَرَّعِ نَأْيُورِ
يَضَقُّ أَمْبَ يَضُقِي نَأْدَارَافُ، دَعْبُ يَدْلِمِ أَعْلَى فِي تَعْقُوتِ مَثَقِي قِشَلِ لَحْلَلِ عَيْشِ أَلِ
أَرْحُ وَ أَرَامِحَ نَاكِ نَأْبِ نَأْبَهُ نِي نَمُؤْمَلِ رِي مَأَيِ: تَرْوَلُ دَحْ أَلِ لَاقِفِ، أَلْ وَ أَوْبِ
بِ أَوْصَلِ أَوِ دَادِّسِ لِمِ أَلِ كِ فِي رُمُعِ يَأْرِفِ دِحْ أَوْ مَأُ دَالِ وَ أُنْ سَلِ أَمَّيْ لِي فِي يَقْلُمِ
أَعْيَمِ مَعْ مَهْ نَيْ بِي رِشْتِ لِبِ يَضَقْفِ.

«Умар розияллоҳу анҳуга ушбу масала кўтарилганида у зот биринчи марта «Туғишган акага ҳеч нарса йўқ», деб ҳукм чиқарди. Кейинги йили яна шу масала кўтарилди. Шунда у киши олдингидек ҳукм чиқармоқчи бўлган эди, меросхўрлардан бири у кишига: «Эй мўминларнинг амири! Отамиз эшак ёки дарёга отилган тош бўлгандир, деб билинг, лекин биз битта онанинг болалари эмасмизми!?» деди. Унинг бу сўзида тўғрилиқни кўрган Умар розияллоҳу анҳу уларнинг барчаси ўртасида шериклик ҳақида ҳукм чиқарди» (Асқалоний «Талхисул-ҳабир»да келтирган).

«Манзуматур-Роҳбия»да бу масала шундай келтирилади:

Агар эрни ва онани меросхўр топсанг,

Она бир биродарлар учдан бирни олсалар,

Она ҳам бир, ота ҳам бир акалар ҳам бўлса,

Улуш тақсими-ла молни оларлар.

Сен уларнинг барчасин она бир деб бил,

Улар отасини дарёга ташланган тош деб бил,

Биродарларга тариканинг учдан бирин тақсим қил,

Муштарак масала деганда сен шуни бил.

Муштарак масаланинг сурати. Меросхўрлар сони 3 та.

1-жадвал

	6	18	Масалани тўғрилаш
Эр $\frac{1}{2}$	3	9	Эрга меросхўр фаръ бўлмагани учун фарз улуши ярим берилади
Она $\frac{1}{6}$	1	3	Ака-укалар бир нечта бўлгани учун онага олтидан бир берилади
Она бир икки ака-ука $\frac{1}{3}$	2	4	Она бир икки ака-укага фарз улуши учдан бир берилади, бу учдан бирда уларга туғишган ака ҳам шерик бўлади
Туғишган ака (асаба)		2	Чунки туғишган акани ҳам она бир ака ёки ука деб ҳисоблаб, учдан бирни улар ўртасида тенг тақсим қиламиз

«Ислom шариатида мерос илми» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5163-рақамли ҳамда 2022 йил 27 сентябрдаги 03-07/7348-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.